

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2021-2

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2021

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир ҳайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.

Абдуллаев Равшан Бабажонови, тиб.ф.д., проф.

Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.

Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.

Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.

Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.

Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.

Кадиров Шавкат Юлдашевич, қ/х.ф.н.

Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.

Рўзимбоев Сапарбой, ф.ф.д., проф.

Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотилов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик

Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.

Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.

Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.

Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№2 (72), Хоразм Маъмун академияси, 2021 й. – 217 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2021

МУНДАРИЖА АРХИТЕКТУРА

Қодирова С.А., Рахимов Л.Ш. Хоразм вилоятида маданий-маърифий марказларнинг меъморий ва режавий ечимини такомиллаштириш масалалари	6
---	---

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Ашрапов А.А., Ким С., Камилов Б.Г., Эргашев Х.Б. Особенности эмбрионального развития венгерского карпа в условиях искусственного воспроизводства в Ташкентской области	9
Ибрагимов А.Ж., Чориев Б.Ў., Каримов Б.А. Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони работ кишлоғи атрофи адирликларининг камёб элементлари	12
Искандаров А.И., Холматов Б.Р., Мусаев Д.М., Мусаева М.К. Жанубий Ўзбекистонда тарқалган қандалаларнинг (hemiptera: heteroptera) экологик хусусиятлари	15
Исомиддинов З.Ж. Сур тусли кўнғир тупроқлари ва пиёзда (<i>Allium cepa</i> L.) темир (Fe) элементлари	20
Кучбоев А.Э., Собиров Х.Ф., Амиров О.О., Каримова Р.Р., Мадумаров М.Ж., Абдурахимов А., Абдуллаев А.А. Ўзбекистонда Бухоро бугусининг (<i>Cervus elaphus bactrianus</i> Lydekker, 1900) молекуляр- генетик идентификациялаш	22
Мадумаров М.Ж., Кучбоев А.Э. Дафниялар - <i>Echinuria uncinata</i> (Nematoda: Acuariidae) нематодасининг оралиқ хўжайини	27
Маматқосимов О.Т., Абдураимов О.С., Махмуджанов Д.И., Махкамов Т.Х. Туркистон тизмасида тарқалган <i>Tulipa</i> L. туркуми гербарийларининг таҳлили	32
Набиева Д.Б., Иминова М.М., Тешабоева Ш.А. Тошкент ботаника боғидаги афиллофороид замбуруғлар ҳақида маълумотлар	39
Сатилов Г.М., Исмаилова И., Рузиева М.Э. Хоразм воҳасида экилаётган ғўза навларининг мойдорлигига ўғит ва сув микдорининг таъсири	43
Султонова Н.М., Қўшиев Х.Х., Исмоилова К.М. Калийли ўғитнинг картошка ўсимлиги баргларидаги хлорофилл микдорига таъсири	45
Уринова Х.Ш., Рахимова Т.У. Индигофера ўсимлигининг анатомик-морфологик таҳлили	50
Ҳамроева М.К. Соя навларининг морфологик белгилари	54
Эшмурзаев Ж.Б., Болкиев А.А., Султонова Ш.А., Абдуллаев А.Н., Обидов Н.Ш., Бабаджанова Ф.И., Убайдуллаева Х.А. Доривор стевия (<i>rebaudiana bertonii</i>) микрклонал эксплантларини тупроқ шароитига адаптацияси	57

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ

Аширов Ю.Р., Исаев С.Х., Турдалиева Ш.Т. Оч тусли бўз тупроқлар шароитида ғўзани суғоришнинг пахта ҳосилдорлигига таъсири	61
Сатилов Г.М., Жуманиязова Н.Б. Қовоқ етиштиришнинг агрокимёвий хоссалари шарҳи	63
Тўхтаев Ш.Х., Юнусов Р., Ганиева Ф.А. Бухоро вилояти Жондор тумани шароитида ғўза ўргимчакканасига қарши курашишда янги тежамкор “Вертимек, 1.8%” эм.к. препаратини қўллаш самарадорлиги	67
Mambetullayeva S.M., Matkarimov N.B. Mahalliy gujum (<i>Ulmus Pumila</i>) daraxti tanasida suv harakatining sizot suvlari bilan ekologik bog'liqligi	70

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Abdunazarova Z.I. The role of information technology in the development of speech competence	74
Aripova G.Sh. Improvement of the system of formation of interethnic harmony and ideas of religious tolerance in youth	76
Doniyarov M. Boshlang'ich sinf o'qituvchilari kasbiy kompetentligining tashkiliy tuzilmaviy shakli	79
Isomiddinova M. "Ilk qadam" o'quv dasturidagi pedagogik talablarni joriy etilishi	82
Marasulov B.Sh. Innovatsion ta'lim muhitida bolalarni maktabga tayyorlash jarayonini takomillashtirish	83
Salomova G.I. O'yinchoq va predmetlar vositasida maktabgacha ta'lim muassasasidagi bolalarini mehnat intizomini tarbiyalash metodikasi	86

Solieva Z.Z. Effective methods of learning English language	89
Utbosarov A.U. Development of exercises for basic movements in youth	92
Xajiyeva D.A. Boshlang'ich sinflarda ona tili fanini o'qitishda kompetensiyalarni qo'llashning dolzarbligi	94
Yusufova L.G. Application of distance learning in university education	97
Иманов Б.Б. Креативлик ва унинг муаммоларни ҳал қилишдаги аҳамияти	99
Содиқова Д.Р. Узлуксиз таълим тизимида ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантиришда шарқ мутафаккираларининг фаолиятдан фойдаланиш	102
Солаева М.Н. Умумий ўрта таълим мактабларида интегралларни ўқитишда ноанъанавий услублар	105
Файзуллаев А.Ю. Умумтаълим муассасаларида ихтисослаштирилган таълимни ташкил қилишнинг афзалликлари	108
Холмирзаева Г. Мактабгача ёшдаги болаларда эрта - тарбия воситаси сифатида	111

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

Дехканова Н.А., Асланов Б.М., Камалова М.Б. Исследование физико-химические свойства азотных удобрений	114
Бабаев З.К., Матчонов Ш.К., Болтабаев Д.З., Матчонов Ш.Ш., Шакиров Б.М. Керамогранит олиш учун Оролбўйи минтақаси гилсимон хом ашёларини ўрганиш натижалари	118
Раджабов М.Ф., Латипов Б.А., Абдуллаева Г.У. Исследование влияния ультразвука в процессе осмотической сушки дыни	121
Асланов Б.М., Нодиров А.А., Камалова М.Б. Исследование свойств и химизма двойного суперфосфата	123

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ

Салаева З.Ш. Внутрибольничная инфекция	127
Салаева З.Ш. Госпитальный сепсис у детей раннего возраста	129

ТАРИХ ФАНЛАРИ

Muxammadieva S. Hoja Ahmad Yassaviy inson shaxsi shakllanishining pedagogik omillari haqida	131
Sobirov Q., Sobirov M. Surxon va Xorazm iqtisodiy-madaniy aloqalari tarixi sahifasidan	134
Zaripov S.D. Zarafshon vohasi dehqonchiligining tarixiy ildizlari: sug'orilishi, ziroatchilik xo'jaligi va an'anaviy agrotexnika	137
Абдуллоев Ш.Б. Девпарастиқни ўрганишда “Ясна” нинг аҳамияти	141
Алимова М.М., Мирзақулов Б.Т. Бухоро амирлигида маъмурий бошқарув	144
Бекимметов У. Советларнинг Хоразмда қулоқлаштириш сиёсатини ўтказиши ва унинг фожиали оқибатлари	149
Давлетов С. Проблемы водных ресурсов бассейна Аральского моря в контексте истории второй половины XX века	152
Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида қулчилик муносабатларининг тугатилиши	156
Зарипов Ж.Г. Сравнительный анализ промышленных миграционных процессов в 50-80 гг. XX в. в США и СССР	159
Қурбонов М.Н. Соҳибқирон Амир Темур тамғасининг тарихий манбаларда ёритилиши	163
Мирзаев Б. Шамсиддин Самарқандийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти	166
Нафиддинова Х.Р. Ихчам тўйлар – давр талаби	168
Ниязова М.Х. Ўзбек мотам маросимларида айтиладиган олқишлар	173
Остонова С.Н. Национальные традиции и ритуалы в современном Узбекистане	175
Раҳмонбердиева М. Заратуштранинг тўрт элемент назарияси ва унинг жаҳон фанига таъсири	179
Саидов И. М., Ахматқулов У.М., Абдусаломов У.С. Чақириққача бўлган ёшларда ватанга содиқлик туйғуларини шакллантириш тамойиллари ва талаблари	182
Самандарова Н.Э. Тарихий роман: янгича таҳлил ва талқин эҳтиёжи	184
Сейтимбетова Н.М. Қорақалпоғистон Республикасида миллатлараро муносабатлар	188
Султонова Н.Ш., Наимова Н.О. “Саллабандон” маросими – оналик тимсоли	193
Тажиева У.Р. Хоразм воҳасида “табиат ва жамият” ўртасидаги муносабатлар тарихининг баъзи масалалари	196

Хонқулов Ш.Х., Нуриддинов М.А. Фарғона водийсида жадиличлик ҳаракатининг вужудга келиши ва дастлабки натижалари	199
--	-----

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Nigmatov A.N., Allanov Q.A., Erdonov M.N. Scientific and methodological basis of constructive geography	205
Sirojiddinov I.Q., Xodjiboyeva I.V. Koronavirus pandemiyasi sharoitida respublikamiz iqtisodiyotdagi investitsion jarayonlarning davlat tomondan qo'llab-quvvatlanishi	211
Беглаев У.Х. Балиқ ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболлари	214
Досчанов Т., Маткаримов И.Б. Инновацион ривожланиш шароитида агробиохимикатларни қўллаш ва агрокимё хизматлари иқтисодий-экологик механизмини такомиллаштириш масалалари	220
Мирзаев А.Т. Худудларда туристик-рекреация фаолиятида интеграциялашган бошқариш концепциясини амалга ошириш	224
Мўминов Х.И., Джураев А. Пандемия шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш даражасининг ўзгариши	231
Саримсақов Х.У. Рақамли иқтисодиёт шароитида асосий кадрлар малакасини шакллантириш	237

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Akhmedova A.A. Psychological factors of successful learning of university students	240
Azimbayeva R.Y. Peculiarities of distance learning in foreign language teaching	242
Gudgina V.A. Anna Akhmatova as a representative of the russian female poetry of the XX century	245
Mamirova G.I. Introduction of lexical material at the higher education	248
Saidrasulova Sh.N. Advantages of role play method in teaching speaking in esl classes	251
Sayibova Z.Yu. Linguopragmatic peculiarities of electronic typing	253
Sultanova D.S. Reading in a foreign language at the early stage of learning	256
Sultanova Sh.A. Linguistic basis for creating an electronic dictionary	259

кўрсаткичларга мос равишда белгилаш яъни умумий майдон бўйича туп қалинлик ва мумкин бўлган ҳосилдорлик даражасини белгилаб беришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. M. Labbafi, H. Khalaj, I. Allahdadi, F. Nadjafi, and G. A. Akbari, "Using models for estimation of leaf area index in Cucurbita pepo L.," J. Saudi Soc. Agric. Sci., vol. 18, no. 1, pp. 55–60, 2019, doi: 10.1016/j.jssas.2016.12.006.
2. A. Souza, A. Silva, F. Mallmann, W. Demartini, A. Tanaka, and M. Souza, "Estimates of Leaf Area of Cucurbita moschata Duch. Based on Linear Measures and Degree-days in Planting of Winter in the Central-Western Region of Brazil," Am. J. Exp. Agric., vol. 5, no. 6, pp. 562–572, 2015, doi: 10.9734/ajea/2015/14184.
3. A. A. ЗуевВ., Сабзавот экинлари ва уларни етиштириш технологияси., Ўзбекистон. Тошкент., 1997.
4. A. A. БўриевХ., Томарқа сабзавотчилиги., Мехнат. Тошкент, 1987.
5. Р. Ф. ХакимовР., ХолдоровМ., "Сабзавотчиликдаги долзарб тадбирлар," Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, vol. 5, pp. 12–13, 2018.
6. ОстонакуловТ.Э., Мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш технологияси.Тошкент, 2006.
7. А. У. И. ЗуевВ.И., ҚодирхўжаевО., АдиловМ.М., Сабзавотчилик ва полизчилик. Тошкент, 2016.
8. Ерин И. В., Разработка элементов технологии выращивания тыквы для получения маслосемян. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата сельскохозяйственных наук. пос. Персиановский., 2012.
9. R. Neeson, "Organic Pumpkin Production," no. December, 2003, [Online]. Available: <http://www.agric.nsw.gov.au/reader/organic/organic-pumpkin-production.pdf>.
10. U. Zakka, S. Atijegbe, N. Lale, and E. Kalu, "Effects of Poultry Manure and NPK Fertilizer on Infestation of Musk Pumpkin (Cucurbita maxima) by Insect Pests," Int. J. Plant Soil Sci., vol. 11, no. 3, pp. 1–8, 2016, doi: 10.9734/ijps/2016/13257.
11. T. Napier, "Pumpkin production," PRIMEFACTS, no. November, 2009.
12. А.Н.Бондаренко, "Урожайность различных сортов тыквы в зависимости от вариантов листовой обработки и уровня минерального питания в условиях капельного способа полива астраханской области," Вестник Курской государственной сельскохозяйственной академии, vol. 4, pp. 100–105, 2018, doi: DOI 10.18551/issn 1997-0749.2018-04 Журнал.
13. F. M. Oloyede, O. C. Adebooye, and E. M. Obuotor, "Planting date and fertilizer affect antioxidants in pumpkin fruit," Sci. Hortic. (Amsterdam), vol. 168, pp. 46–50, 2014, doi: 10.1016/j.scienta.2014.01.012.
14. K. Okonwu and S. I. Mensah, "Effects of NPK (15:15:15) fertilizer on some growth indices of pumpkin," Asian J. Agric. Res., vol. 6, no. 3, pp. 137–143, 2012, doi: 10.3923/ajar.2012.137.143.

УЎК 634.1

БУХОРО ВИЛОЯТИ ЖОНДОР ТУМАНИ ШАРОИТИДА ҒЎЗА ЎРГИМЧАККАНАСИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЯНГИ ТЕЖАМКОР "ВЕРТИМЕК, 1.8%" ЭМ.К. ПРЕПАРАТИНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ Ш.Х. Тўхтаев, қ/х.ф.н., доц., Бухоро Давлат Университети, Бухоро Р. Юнусов, қ/х.ф.н., доц., Бухоро Давлат Университети, Бухоро Ф.А. Ганиева, ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Мазкур мақолада ғўза ўсимлигида учрайдиган ўргимчакканага қарши қўлланиладиган янги кимёвий восита "Вертимек, 1.8%" эм.к (эмульсион концентрат) тўғрисида маълумот берилган. Шу аниқланганки, мазкур кимёвий воситани 0,3-0,4 л /га меъёрда ғўзани "Бухоро-6" навида қўлаганда қўшимча бир гектардан 5,3-7,6 центнер ҳосил олинган.

Калит сўзлар: ғўза, ўргимчаккана, "Вертимек 1.8%" эм.к, янги кимёвий воситалар, ҳосилдорлик, қўшимча ҳосил, самарадорлик.

Аннотация. В данной статье рассматривается эффективность применения нового химического препарата "Вертимек 1.8%" эм.к. к против паутинного клеща. Установлено, что применения данного препарата в количестве 0,3-0,4 л/га у сорта хлопчатника «Бухоро-6» способствует повышению урожая хлопка-сырца на 5,3-7,6 ц/га

Ключевые слова: хлопчатник, паутинный клещ, "Вертимек 1.8%" эм.к, новые химические препараты, урожайность, дополнительный урожай, эффективность.

Abstract. This article examines the effectiveness of the use of the new chemical product "Vertimek 1.8%" em.k. to against spider mites. It has been established that the use of this preparation

in the amount of 0.3-0.4 l / ha in the cotton variety "Bukhoro-6" increases the harvest of raw cotton by 5.3-7.6 c / ha

Key words: cotton plant, spider mite, "Vertimek 1.8%" em.k, new chemical preparations, harvest, additional harvest, efficiency.

2020 йил "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш" йилида қабул қилинган дастурда қишлоқ хўжалик экинларнинг тежамкор парваришlash агротехнология чора-тадбирларидан энг фойдали ва катта иқтисодий самара берадиган бу муайян экин турларининг зараркунандалар, касалликлар ҳамда бегона ўтлардан ҳимоя қилиш ҳисобланади. Аграр тармоғини бозор иқтисодиёти шароитида ривожлантириш ва юқори самарадорликка эришишда ғўза экинларини амалдаги ҳосилдорлигини ошириш, турли хил касаллик, зараркунандалардан сақлаш мақсадида чидамли, серҳосил, ноқулай шароитларга мос навларни ҳамда тежамкор агротехнологияларни танлаб олиб экиш ва парваришlash катта иқтисодий самарадорлик келтиради. [1.3.]

Ғўза ўсимлигига зарар етказадиган сўровчи зараркунандалар ўртасида энг кўп зарар етказадигани ўргимчаккана ҳисобланади. Ўргимчаккананинг биологияси ҳамда унга қарши курашиш чоралари кенг ўрганилган. Бухоро воҳаси, жумладан Жондор тумани шароитида ҳам ғўза экинига зарар етказиб пахта ҳосилини 20-25% гача камайтиради [2.4.]

Бизнинг 2017-2019 йиллар давомида Жондор тумани, Хумин МФЙ, "Ўрин-Баҳром-Бекзод" фермер хўжалигида олиб борилган тажрибаларимизнинг асосий мақсади энг хавфли сўровчи зараркунанда ўргимчаккана ҳашаротини ғўза экинига зарар етказиш муддатлари ва ҳосилдорликнинг камайтишини олдини олиш мақсадида унга қарши тежамкор ва фойда келтирадиган инновацион технологияларни ишлаб чиқариб Бухоро вилоят фермер хўжаликларида мазкур тежамкор технологияларни жорий қилиш ҳисобланади.

Кўп йиллар давомида олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида ўргимчакканани 248 дан ортиқ ўсимлик турларига зарар етказганлиги, шужумладан 173 та бегона ўтлар ва манзарали, гулли ўсимликларга, 38 та мевали дарахтлар ва буталарга қолган 37 таси бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик ўсимликларга зарар етказади.

В.В.Яхонтов томонидан олиб борилган тадқиқотларда аниқланганки, ғўза ўсимлиги экиладиган туман ва ҳудудларда ўргимчакканани "Tetranychus telarius L." тури кенг тарқалган бўлиб, ғўза етиштириладиган фермер хўжаликларида ҳосилнинг 25-30% ини нобуд қилади. Худди шундай маълумотлар Ф.М.Успенский [3-4] маълумотларида ҳам келтирилган. Ўргимчакканага агар ҳимоя чора-тадбирлари ўз вақтида ташкил қилинмаса июнь ойида 40-50% ва август ойида тушса 2-5%ига пахта-ҳосилини камайтиради.

"Карбофос" препаратининг қўлаганимизда ўргимчаккана зараркунандасини камайтирган ҳолда ҳосилдорликни ошириш мумкин. [5] Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўртача ғўза ўсимлигининг 100та баргида 150 тагача ўргимчаккана учраган ҳолатда ва шу муддатда унга қарши кимёвий препаратлар билан ҳимоя қилиш талаб этилади. Ўргимчаккананинг кўпайиши учун 25-30С⁰ иссиқлик ва ҳавонинг нисбий намлиги 45-65% бўлиши талаб этилади. Ўргимчаккананинг урғочиси қарийб бир ой муддатда ҳаёт кечириб 140 ва ундан кўпроқ тухум қўяди. Ўргимчаккана эрта баҳорда асосан бегона ўтларда учрайди ва уларда ривожланади. Улар йўл атрофидаги бегона ўтларда бошқа майдонларга жойлашган бегона ўтларга нисбатан 25-30 марта кўпроқ учрайди.

2017-2019 йиллар давомида Бухоро вилояти Жондор тумани Хумин МФЙ, Ўрин-Баҳром-Бекзод фермер хўжалигида қадимдан суғориладиган аллювиал ўтлоқи тупроқларида олиб борилган илмий тажрибаларимиз натижаларида шу маълумотлар аниқ бўлдики, ўргимчаккана ғўза ўсимлигида апрел ойининг охири ва май ойининг бошланишида учраб, ҳар бир 100 та ғўза баргида 15-17донадан тўғри келади.

Ғўзанинг "Бухоро-6" навида учрайдиган ўргимчакканага қарши курашда "Вертимек, 1.8%" эм.к. препаратини самарадорлигини ўрганиш мақсадида қуйидаги вариантларда тажриба олиб борилди.

1. Назорат (Сувбилан)

2. Децис 2,5 % э.к. 0,4 л/га (таққословчи)
3. Вертимек, 1.8% к.э.0,3 л/ га
4. Вертимек, 1.8% к.э.0,4 л/га

1-жадвал

Ѓўза ўргимчакканасига қарши қурашишда “Вертимек, 1.8%” э.к. препаратининг самарадорлиги
(ўртача 2017-2019 йиллар учун)

№	Тажриба вариантлари	Сарфланган препаратлар меъёри л\ га	Бир дона баргдаги Ўргимчакканинг сони				Кунлар бўйича самарадорлик %		
			Ишловгача		Ишловдан кейинги кунларда				
			15.07	3	7	14	3	7	14
1	Назорат (сув билан)	0	60,5	64,0	70	1,5	-	-	-
2	Децис 2,5 %э.к. (таккословчи)	0,3	49,0	15,0	5,0	2,0	95,0	96,0	90,0
3	Вертимек, 1.8% э.к.	0,3	60,0	13,0	2,5	0,8	75,0	95,0	98,0
4	Вертимек, 1.8% э.к.	0,4	61,0	14,0	3,0	0,8	96	98	99,0

Дала тажрибасида ғўзанинг ўрта толали “Бухоро-6” навидан фойдаланилди. Тажриба 3 та қайтариқдан иборат, майдони 100 м² дан иборат бўлиб бир гектар майдонда ғўзанинг “Бухоро-6” нави 92,0-95,0 минг донга қалинликда жойлашган.

2017-2019 йиллар 13-15 июл куни эрталаб, “Автоматс” ранцевой аппарати ёрдамида 550-600 л\га меъёрида ишчи суюқлик билан ғўза ўсимлигига пуркалди. Ўргимчакканага қарши қўлланилган препаратнинг самарадорлигини ўрганиш мақсадида илмий кузатувлар ва аниқлаш ишлари олиб борилди.

1-жадвалда келтирилган тажриба натижаларидан шу маълум бўлдики, ўргимчаккана ҳашаротига кимёвий қарши қураш қўлланилганда 7 кундан кейин бу кимёвий воситалар ўз таъсирини кўрсатиб, 2 ҳафтадан кейин эса 95,0-98,0% гача камаяди. Худди шундай натижалар таққословчи вариантда ҳам олинган, лекин юқори натижалар қайд этилмаган. Бизлар олиб борган тажриба натижалари шуни кўрсатадики, тажрибада қўлланилган “Вертимек, 1.8%” э.к. препарати ғўза ўсимлигига узоқ муддатда таъсир этиб, уни ўргимчаккана ҳашаротидан ҳимоя қилиб, пировард натижада пахта ҳосилдорлигини оширишга олиб келади. (2-жадвал)

2-жадвал

Ѓўзада учрайдиган ўргимчакканага қарши қурашишда “Вертимек, 1.8%” э.к. препаратининг
ҳосилдорликка таъсири

№	Тажриба вариантлари	Сарфланган препаратлар меъёри л\га	2017 йил		2018 йил		2019 йил	
			ҳосилдорлик ц\га	қўшимча ҳосил ц\га	ҳосилдорлик ц\га	қўшимча ҳосил ц\га	ҳосилдорлик ц\га	қўшимча ҳосил ц\га
1	Назорат (сув билан)	0	31,2	-	30,5	-	30,0	-
2	Децис 2,5 % эмк (таққословчи)	0,4	33,5	2,3	35,0	4,5	35,0	5,0
3	Вертимек, 1.8% эмк	0,3	36,5	5,3	37,0	6,5	37,0	7,0
4	Вертимек, 1.8% эмк	0,4	37,0	5,8	37,5	7,0	38,2	7,6
5	НСР 0.95 Р, %						1,0 2,3	

2-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, уч йил давомида олиб борилган тажриба натижаларимиз Жондор туман Хумин МФЙ, “Ўрин-Баҳром-Бекзод” фермер хўжалиги шароитида ҳар бир баргда зараркунда сони назорат вариантыни ўртача 60-70 донга, тажриба вариантыда эса 0,7-0,8 донани ташкил қилди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, “Вертимек, 1.8%” э.к. препарати қўлланганда ўргимчаккана тўлиқ йўқолади. “Вертимек, 1.8%” э.к. препарати қўлланган вариантларда қўшимча ҳосил ўртача уч йил ҳисобида 5,3-7,6 ц\га ни ташкил этди ва пировард натижасида юқори иқтисодий самарадорликка эришишга сабаб бўлди.

Хулоса: Бухоро вилояти Жондор тумани шароитида етиштириладиган ғўза ўсимлигида учрайдиган ўргимчакканага қарши “Вертимек, 1.8%” э.к.0,3- 0,4 л\га меъёрида қўллаш зарарли

хашаротлар камайишига ва ғўза ўсимлиги ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этиб, бир гектардан ўртача 36,5-38,9 центнердан сифатли ҳосил олишга сабаб бўлди, қўшимча ҳосил бўлса 5,3-7,6 центнерни ташкил этди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Сулаймонов Б., Очилов Р. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандалари, касалликларга ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхати. Тошкент, 2016, 383б.

2. Алимухамедов С. Н. “Исследования по защите хлопкового поля”//Защита растений, 1983, №2, стр.18-20

3. Успенский Ф. М. “Обыкновенный паутинный клещ в орошаемых районах Средней Азии”. Изд-во Акад. сельхоз. наук Узбекистана, Ташкент, 1996, стр.62.

4. Успенский Ф. М. “Какой должна быть система интегрированной защиты растений” //Хлопководство. Москва 1972, №2, стр.25-30.

5. Ш.Х.Тўхтаев, Ф.А.Ганиева, Ф.Ш.Тўхтаева. “Бухоро вилоятида ғўзадаги хавфли ўргимчакканага қарши курашда “Карбофос” препаратининг самарадорлиги”. Бухоро-2020. “Бухоро вилоятини инновацион ривожлантириш: муаммо ва ечимлар”- илмий-амалий анжуман материаллари тўплами.1018-1021б.